

30 апрель – Ўзбекистон Республикаси референдуми куни



Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,
"Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси

ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ — ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ КЎЗГУСИ

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган вақтдан бошлаб, то шу кунга қадар демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан оғишмай борар экан, давлатчилигимизнинг демократик, ижтимоий, дунёвий ҳуқуқий асосларини яратиш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш борасида катта ишларни амалга оширмоқда. Зеро, мақсади фуқаролар фаровонлигини оширишга йўналтирилган ижтимоий давлат қуриш мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.



50-МОДДА.

*Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга.
Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди.
Давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади.
Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди.
Умумий ўрта таълим мажбурийдир.
Мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратидадир.
Таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланади.*



Пленум

ЎТГАН ЙИЛГИ ФАОЛИЯТ САРҲИСОБ ҚИЛИНИБ, БУ ЙИЛГИ РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

«Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгашининг X пленуми бўлиб ўтди.

Унда партиянинг 2022 йилдаги фаолияти ҳамда 2023 йилдаги устувор вазифалари, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумида «Адолат» СДПнинг иштирокига оид масалалар муҳокама қилинди.



Муҳиба БАБАБЕКОВА,
"Адолат" СДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси

ҲАР ҚИМ ЎЗ ҚИЛМИШИ УЧУН ЎЗИ ЖАВОБ БЕРАДИ ЯҚИНЛАРИ ЭМАС!

Сўнгги йилларда гувоҳи бўлаётганимиздек, "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир" деган Конституциявий қондан хайъта кенг татбиқ этиш, инсон шайнини удуғлаш, унинг манфаатларини олиқ қадрият даражасига олиб чиқиш, барча муҳим қарорларни бевосита халқ билан мулоқот асосида қабул қилиш янги Ўзбекистонимиз сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб хизмат қилмоқда.

Инсон кадри учун

Келажагимиз учун овоз берамиз!



Айша АБДРЕЙМОВА,
халқ депутатлари
Нукус шаҳар Кенгаши депутати

Ислохотларга юз тутган мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг келгусидаги фаровон ҳаётини таъминловчи Янгилаётган Конституциявий қонун лойиҳасини қабул қилиш арасида таълим соҳаси вакили, қолаверса, фуқаролик бурчим сабаб мен ҳам бу ўзгаришларга бефарқ эмасман.

Лойиҳанинг 79-моддасида "Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради", дейилган.

Ушбу моддада давлат ўзига ўта муҳим мажбуриятларни олган ҳолда, ёшларнинг таълим олишга, соғлигини сақлашга, уй-жойга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиши белгиланган.

Бугунги ислохотлар замирида мамлакатимизнинг келажаги бўлиши ёшларимизни ҳар томонлама етук, билимли, салоҳиятли, компил инсон сифатида тарбиялаш ҳамда фарзандларимизнинг имконият ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи ҳақида сўз борар экан, бу бизни замон билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлишга чақиради.

Демак, 30 апрель куни фуқаролик бурчимизни адо этиб, референдумда фаол иштирок этишимиз ва муносиб келажагимиз учун овоз беришимиз лозим.

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ — ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ КЎЗГУСИ

Сўз — ҳудудий етакчиларга



Фазлитдин ЗИЯЕВ, «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати бошқарма бошлиғи, Тошкент шаҳар кенгаши раиси в.б.

Давлат фуқарони ҳимоя қилади

— Янгиланаётган Ўзбекистон Конституциясида айбсизлик презумпциясининг барча жиҳатлари ўз ифодасини топмоқда. Яъни, шахснинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқорқа суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний қиличи кирган ҳукми билан белгиланмагунча айбсиз, деб ҳисобланади. Суддан бошқа органлар ҳар қандай ҳолатда ҳам шахсни айбдор, деб топишга ҳақли эмас.

Конституцияда айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланиши белгиланган. Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчи ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши назарда тутилмоқда.

Янги нормага мувофиқ, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас ва иситалган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Шу билан бирга, Бош Қомусда ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги белгиланмоқда. Суд ва терговда шахсни ўзига ва оила аъзоларига қарши гувоҳлик беришга мажбур қилиш унинг манфаатларига асло тўғри келмаслиги ўз ифодасини топти.

Конституцияда шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги ҳам белгиланмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатининг асосий мантинги шундаки, жиноятчиликнинг оқибати эмас, балки сабабларига қарши кураш олиб борилади. Бу инсонпарвар принцип ҳисобланади. Негаки, шахснинг жиноят содир этишини кутиб ўтириб, ҳолат юз бергандан кейин уни жавобгарликка тортиш бу адолатпарварликнинг бир томони. Адолатпарварликнинг энг асосий томони, биз шахсни жиноят содир этиш йўлига кадам қўйган пайтдаёқ қайтаришимиз билан боғлиқ. Ана шунда бизда жиноятчилар пайдо бўлмайди. Шахснинг жиноятчига айланганини кутиб ўтириш керак эмас. Имкон бўлди дегунча профилактика қилиш лозим, яъни тўғри йўлга қайтариш зарур. Давлатимиз ҳозир мана шу тизимдан борапти. Партиямиз гоёларида ҳам бу жиҳатлар ўз аксини топган.

Ҳар ким ўз қилмиши учун ўзи жавоб беради, яқинлари эмас!

Бинобарин, Конституциявий қонун лойиҳасига киритилган янги нормалар барча соҳаларни замон талаби даражасида тараққий эттиришга, шу жумладан, давлат ҳокимиятининг янада самарали ташкил қилинишига, инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган ислохотларнинг юксак даражага чиқишига замин яратиши шубҳасиз.

Янгиланаётган Конституциянинг моддалари билан танишиб чиқар эканман, ундаги 28 модда — **“Шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлари унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмас”** деган норманинг киритилгани, аини шу масала юзасидан менга яқин бўлган бир танишимнинг ҳаётида дуч келган муаммолари сабаб эътиборимни тортиди.

“Анча йиллар илгари, ўғлим нуфузли давлат ташкилотида фаолият юритиб, аини лавозими ошган пайтлари, уни уйлантириш тарафидан тушидик. Бизга маъқул бўлган бир қизнинг эшигини таққиллатиб, совчиликка бордик. Хуллас, ёшлар бир-бирига маъқул, биз катталар ҳам сўзимиз сўзимизда тўғри келиб, тўғри масаласида келишимиз деб турган бир вақтда, келин бўладиган қизнинг отаси таъбиркорлик масаласида судланган эканлиги маълум бўлди. Шунда жуда нуқул ҳолатда қолганман. Бир тарафдан бир бирга кўнгли мойил ёшларни ўйласам, бир тарафдан яхши инсонлар қалби озор чекишини, яна бир тарафдан фарзандимнинг келажасини ҳам ўйлашга мажбур эдим”, деган эди танишим куйиниб.

Яқинда ўша танишим билан учрашиб қолдим, юқоридаги киритилаётган норма ҳақида ҳам сўзлашдик. “Қаранг, замоннинг зайти билан қандай ўзгаришлар бўлиб кетаяпти, аини шу нормани киритилгани зап иш бўлибди, энди ўғлига келин излаган оилалар бизга ўхшаб қариндошлари судланмаганмикин шикдидиб, оёган ҳақид билан эшик қоқшмайди. Тўғри-да, ҳар ким ўз қилмиши учун ўзи жавоб бериши. Апрофиоаилари ёки яқинлари эмас”, дейди у куйиниб.

Албатта, киритилаётган бу ўзгаришлар айнан демократик давлат талабларига ҳослиги билан қувонарли. Чунки, тан олиб айғитишимиз керакки, аввал бундай ҳолатлардан азият чекканлар сонни қўшлаб топилар эди. Биргина қариндош-уруғларнинг судланганлиги сабабли фуқароларни ишга қабул қилмаслик ёки юқори лавозимларга тайинламаслик ҳолатлари мавжуд эди. Агар одадлагидек ўзбек оиласида 4-5 та ака-ука ва опа-сингиллар бўладиган бўлса, ушбу оиланинг бир аъзосининг қилган хатоси учун барча ака-ука, опа-сингиллар азият чекишга мажбур бўлиб, қанчалик уринмасин, меҳнат қилмасин, яқинининг судланганлиги унинг касбий ўсиши, жамиятда нуфузли ўринга эга бўлишига тўғридан-тўғри тўсиқ бўлар эди.

Бош Қомусимизга киритилаётган мазкур ўзгаришлар орқали судланган шахсларнинг қариндошлари, яқинларининг ҳақ-ҳуқуқларини асоссиз равишда чеклаш бартараф этилади. Бу эса, ўз навбатида, жамиятдаги ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлат ҳимоясида эканлигини, унинг манфаатлари олий даражада эканлигини аниқлатади. Ҳар бир фуқаро ўзининг сеvimли касби билан ҳеч қандай чеклов ва тўсиқларсиз шугуллана олишига замин яратади.

Таъкидлаш керакки, истиқлол барча ватандошларимизга ҳуқуқ ва эркинлик бахтини берди, муҳими, инсонни, ҳар бир фуқаронини жамиятнинг ҳақиқий гултожисига айлантиришдек улғу мақсад сари илдамлашга хизмат қилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 30 апрель куни бўлиб ўтadиган референдумга тақдим этилган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг 54-моддасида: **“Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсадидир. Давлат инсон ва фуқаронинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди”**, дейилади. Юртдошларимиз ҳуқуқ ва эркинликларининг бундай юксак меъёрида белгиланиши 1948 йилда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқларининг Умумжаҳон декларацияси” гоёларига тўла мос келади.

Конституциявий қонун лойиҳаси мазмун-моҳиятан янги тахрирда ишлаб чиқилганлиги, унинг муаллифи сифатида халқимиз эътироф этилганлиги, унда реал мавжуд ташқи ва ички глобал омиллар ҳисобга олинганлиги, бир сўз билан айтганда, жаҳон андозасига монандлигининг ўзи катта воқелик. Мустақиллигининг қўлга киритилиши қанчалик улкан сиёсий-ижтимоий факт бўлса, жамиятимиз тараққиётида янги Конституция шу қадар муҳим ўрин тутади. Мамлакат равнақи, барча соҳалар ривожининг ҳуқуқий асосини ташкил этаркан, уларнинг нақадар адолатли, ҳаққоний, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан мукамаллиги ҳам Конституцияда ўз ифодасини топади. Зотан, Конституция миллий давлат ривожига бекиёс аҳамият касб этади.

Маълумки, ҳар бир жамият ўзининг юксак тараққиётига эришиши учун суверен, мустақил бўлиши, халқ манфаатларига хизмат қилувчи демократик тамойилларга асосланган давлатчиликни вужудга келтириши зарурдир.

Референдумга тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонун тахрири **Муқаддима, “Асосий принциплар”, “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари”, “Жамият ва шахс”, “Маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши”, “Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши”, “Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби”** деб номланган 6 та бўлим, 27 та бобни ташкил этган 155 та моддани ўз ичига олади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонун лойиҳасининг Муқаддимаси ҳар жиҳатдан мазмунан ва моҳиятан боғлиқлиги. Муқаддима мантиқий боғлиқликдаги кетма-кетликда Конституциявий қонуннинг тааллуқли боблари ва моддаларида аниқ, равшан оидинлашиб боради. Конституциямизда халқимиз ўзининг умуминсоний қадриятларга содиқлигини намоён қилиб, давлатимиз диққат марказида инсон, унинг ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини таъминлаш олий маъсулият эканлиги, бутун ҳокимият ва суверенитет халққа тегишли бўлиб, у давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаилиги, ўзбек халқини, миллатидан қатъи

назар, Ўзбекистон фуқаролари ташкил этиши, Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши, диний эътиқод эркинлиги, давлатнинг диний бирлашмалар фаолиятига аралашмаслиги, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитига эга бўлиши, ёллан ишловчиларнинг ҳуқуқлари таъминланганлиги, ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқининг мавжудлиги, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти яратилганлиги, бепул умий таълимнинг кафолатланганлиги, воёга етмаган, меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимояланганлиги каби асосий қондалар мустақамланди. Жумладан, фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган бозор муносабатларига асосланган иқтисод, унинг хилма-хил шаклдаги мулкка асосланиши, мулк шаклидан фойдаланишдаги эркинлиги (66-модда) сингари қондалар барқарор иқтисодиётга, эркин тадбиркорлик фаолиятига ҳуқуқий асос бўлди. Бу, ўз навбатида, кучли ижтимоий сиёсат ва сиёсий ислохотларнинг ҳам узлуқсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Амалдаги Конституция қабул қилинганлигига ўтган 30 йилдан зиёд вақт давомида, яъни то шу кунгача қатор ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилганлиги ва ҳозирда янги тахрирдаги Конституциявий қонун ишлаб чиқиши ҳолати табиий ва ўз қонуниятига эга. Зеро, вақт ва замон ўтиб бораётган, табиат, жамият муттасил ўзгариб, ундаги мавжудлик, воқеа-ҳодисалар, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий муносабатлар ҳам ривожланиб боради. Бунга мутаносиб равишда ҳаётимиз тартиб-қоидалари, қонунлари, хусусан, Конституция ҳам ўз тақомилини тақозо этади.

Ҳозирги пайтга келиб, мамлакатимизда миллий давлатчиликнинг ривожланиш жараёнилари бутунлай ижобий томонга қараб ўзгарди. Шубҳасиз, ҳуқуқий давлатнинг энг асосий тамойили қонун устуворлиги таъминланмоқда. Бунда инсон ҳуқуқлари умуммажбурий бўлишига эришиш учун ҳуқуқий давлат асоси — ҳокимият тизимининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлинишининг конституциявий принципи алоҳида аҳамият касб этади.

Миллий давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари — пировард натижада Ўзбекистонда янги ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган бўлиб, бунда демократиянинг давлат ички ҳаётида ҳам, ташқи сиёсатда ҳам ўрни жуда муҳим. Шу маънода, Конституциявий қонун лойиҳасининг 1-моддасида белгиланганидек, **“Ўзбекистон — бошқаруви республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат”** барпо этишнинг халқаро тамойиллари, умумэътироф қилинган йўриқлари мавжуд бўлиб, бевоқиф фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода қилиш ҳуқуқига эгаллиги, озчиликнинг

кўпчиликлари бўйсунуши, барча фуқароларнинг миллати, элати, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъи назар тенг ҳуқуқлиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ва бошқалардан иборат. Аини пайтда, ҳар бир халқнинг ўз турмуш ва тафаккур тарзи, тарихий анъаналари, ҳаётга муносабати ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб, демократияга ёндашишининг ўзига хос усули, йўли бор. Зеро, демократияни жорий этишда юртимизда ўзбеконан, халқчил тамойиллар шаклланаётганлиги ва ҳаётимизга кириб келаётганлигини эътиборга олиш керак.

Янгиланаётган Конституция “Адолат” социал-демократик партияси томонидан сайловларда кўтарилган таълим, соғлиқни сақлаш, прописка, ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза, оила ва гендер тенглиги каби бир қанча долзарб масалаларга ечим бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият даражасига кўтарилган кучли ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя воситаси бўлади.

Давлатчиликимизнинг демократик тамойилларини янада чуқурлаштириш ва ривожлантиришимиз мумкин. Аслида, демократия — **“объектив воқелик”**. У бор ёки йўқ! Бироқ барқарор демократик жамиятнинг қарор топиши учун зарур ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ҳаётга татбиқ қилишга қодир кучли ижтимоий давлат лозим. Ҳар бир нарсани унинг моҳиятидан келиб чиқиб, ўз номи билан аташ керак. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, ХХI асрда давлатларнинг арзон популизми ва демократия никоби остидаги ўйинлари эмас, балки миллий мафкурадан воқеликка айланган қадамларимиз, қўлга киритилган ютуқларимиз мамлакатимиздаги ижтимоийликка йўғрилган асл демократик тамойиллар мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Тўғри ва ҳақиқий бунёдкорлик гоёсини фақат давлатимизнинг демократик қарашлари, унинг ижтимоийлашуви орқалигина амалга ошириш мумкин. Ҳозирги даврда жаҳон

Хулоса қилиб айтганда, **Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасида ўзининг эркин ифодасини топган демократия, халқ манфаати, давлат ва миллий давлатчиликимиз асослари, унинг ҳозирги глобаллашуви давридаги ривожланиш босқичлари мўтадил тарзда давом этмоқда, бундан кейин ҳам узоқни кўзлаган дастур асосида раванг толаверад**. Зеро, қабул қилинажак Янги Ўзбекистон Конституцияси ўзида инсон ҳуқуқлари, демократия, эркинлик, барқарорлик ва тараққиёт тамойилларини ифода этган, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг мақсад қилиб олган келажак буюк халқнинг ишончли ҳуқуқий қафолати ҳисобланади.

48-МОДДА.

Ҳар ким соғлиқини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини, унинг давлат ва нодавлат шаклларини, тиббий суғуртанинг ҳар хил турларини ривожлантириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш чораларини кўради.

Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратади.



АДОЛАТ ВА БИРДАМЛИК ТАМОЙИЛИГА АСОСЛАНГАН ҲУЖЖАТ

Конституциявий ислохотлар мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган туб ўзгаришларнинг узвий қисми бўлиб, уларнинг мустақкам ҳуқуқий асосини яратади ҳамда Асосий Қонуниимизни жамиятдаги бугунги реал воқеликка ва шиддатли ислохотларимиз мантиғига мослаштиради.

Шаҳноза ҒАНИЕВА,
Фарғона вилоят кенгаши раиси



Умумхалқ муҳокамалари натижасида лойиҳа том маънода халқ Конституциясига айланди. Конституциявий қонун лойиҳасини такомиллаштиришда партия аъзолари ва депутатлари фаол иштирок этди. Партиянинг дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, берилган аксарият тақлифлар қонун лойиҳасида акс этгани алоҳида эътиборга молик.

Лойиҳада миллий иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатда инвестициявий муҳитни яхшилаш ҳамда мулк ҳимоясини янада кучайтириш соҳаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, давлат томонидан бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобат учун шарт-шароит яратиш, қўлай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини таъминлаш, мулк дахлсизлиги, мулк ҳуқуқларини чеклаш фақат суд қарори асосида бўлиши, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланмоқда. Бу эса, иқтисодиёт барқарор ўсиши, фаровон ҳаётимиз таянчи ҳисобланган тадбиркор ва ишбилар-

монларнинг эркин фаолияти учун мустақкам ҳуқуқий кафолат яратади. Мазкур нормалар партия электорати манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Янгиланаётган Конституцияимизда ижтимоий адолат ва бирдамлик тамоийлига қаратилган ижтимоий давлат белгилари ҳам ўз ифодасини топомқда. Унда давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига доир нормалар уч баробарга ошмоқда, хусусан, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича давлат ўзига қатор янги мажбуриятлар олиши белгиланмоқда.

Конституциявий ўзгаришлар Ўзбекистоннинг тадрижий ривожланишидан келиб чиқиб, ҳаётий заруриятга айланган десак, муволафа бўлмайди. Илгари амал қилиб келган «давлат – жамият – инсон» тамоийлини «инсон – жамият – давлат» деб ўзгартириш, яъни, энг аввало, инсон манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиш мақсад қилинган барчамизга фахр-ифтихор бағишлайди.

Референдум чиндан ҳам мамлакатимиз тараққиётида муҳим ўрин тугиб, ижтимоий, демократик-ҳуқуқий ва чинакам халқларар давлатчилик асосларини яратишда фундаментал асос бўлиб хизмат қилади.



Мадаминжон МАДАЗИМОВ,
Андижон вилоят кенгаши раиси

Сизнинг бандлигингиз давлат ҳимоясида

Аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамма вақт долзарб вазифалардан бири бўлиб келган. Бу борада аниқ тизим яратилганига қарамай, фуқаролар бандлигини тўла таъминлашга эришилмаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Аслида жамиятда бир нафар фуқаронинг ишсизлиги ҳам катта муаммо. Чунки унинг ортида ўзи билан бирга оила аъзолари ҳам бор.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Янгиланаётган Конституцияимизда мазкур масала қонунан мустақкамланмоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, бу вазифани давлат ўз зиммасига олаётти. 43-моддада “Давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўради. Давлат фуқароларнинг касбий тайёрлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этади ҳамда рағбатлантиради”, дея белгилаб қўйилди.

Албатта, бу яхши. Давлат нафақат иш билан таъминлайди, ҳимоя қилади ва маълум бир касбга ҳам йўналтиради. Ҳатто 42-моддага асосан ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қўлай меҳнат шaroитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Бир сўз билан айтганда, сизнинг бандлигингиз энди Конституция билан кафолатланади.

Инсон манфаатлари устувор

Янгиланаётган Асосий Қонуниимизда инсон ва давлат органлари ўртасида юзага келган ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилиниши, ҳуқуқий таъсир чоралари мақсадга эришиш учун етарли ва мутаносиб бўлиши кераклиги белгиланмоқда. Бу нормалар ҳуқуқни қўллаш фаолиятида инсон манфаатлари устувор бўлишини амалда таъминлашга хизмат қилади.



Мақсуд ҲАМИДОВ,
Бухоро вилоят кенгаши раиси

Шунингдек, ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эгаллиги, қонунчиликда белгиланган мажбурият ҳеч қандай шиммасига унинг розилигисиз юклатилмаслиги, Ўзбекистон фуқароси мамлакатдан ташқарига чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга берилиши мумкин эмаслиги белгиланмоқда.

Жиноят процессида инсон ҳуқуқлари кафолати энг илгор халқаро стандартларга мувофиқ кучайтирилмоқда. Хуеусан, шахсни суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги (“Хабас корпус” институти) ҳамда шахсни ушлаб туриш чоғида унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари унга тушунарли тилда тушунтирилиши кераклиги (“Миранда қондалари”) белгиланмоқда.

Ушбу ҳуқуқий кафолатлар инсон ҳуқуқлари муҳофазасини кучайтириш соҳасидаги ишларни мутлақо янги босқичга олиб чиқади ҳамда уларни давлат органларининг суиестемолликларидан ишончли ҳимоя қилади, шахсий эркинлик дахлсизлиги ва инсонларни ноқонуний ҳибсга олишга йўл қўймайлики кафолатлайди.

Ҳоким фаолияти ижрога йўналтирилади

Жамол КОМИЛОВ,
Сирдарё вилоят кенгаши раиси

“Вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашининг раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмас”, дейилган Конституциявий қонун лойиҳасининг 120-моддасида.

Ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгашларига бошчилик қилиши ҳақидаги қонуннинг чиқарилиши, уларнинг Кенгашлар олдиди масъулиятини оширишга, ҳокимликлар фаолияти устидан Кенгаш ва депутатлар назоратини кучайтиришга хизмат қилади.



Киритилаётган янгилик халқ депутатлари Кенгаши фаолигини оширади ва натижада жамиятнинг вакиллик демократиясига ишончи ва бунинг таъсирида сиёсий фаоллиги, маҳаллий давлат бошқаруви жараёналаридидаги иштироки кенгайди. Халқ депутатлари Кенгашларини ҳудудларда мавжуд муаммоларни ҳал қилишдаги асосий бўғинга айлантиришга хизмат қилади. Энг муҳими, ҳокимларнинг ўзлари қарор қабул қилиб, ўзлари бошчилик қиладиган кенгашларда ушбу қарорларни тасдиқлаш, кейинчалик унинг ижросини назорат қилиш каби амалиётга чек қўйилди.

Ушбу янгилик асосида Кенгашларнинг фаолияти, авваламбор, маҳаллий аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб қарорлар қабул қилишга йўналтирилса, ҳокимнинг фаолияти эса мазкур қарорларни ижро қилишга қаратилади.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

30 апрелда янгиланаётган Конституция бўйича ўтказиладиган референдумга Наманган вилоятида ҳам қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Айниқса, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари кенг авж олган. Бу борада “Адолат” СДП аъзолари фаоллик кўрсатмоқда. Вилоят, шаҳар ва туман кенгашларида референдум бўйича штаблар ташкил этилди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби

Вилоят штаби жойларда маҳаллий кенгашлар ўтказаятган тадбирларни мувофиқлаштирмоқда. Зарур ҳолларда жойлардаги учрашуларга фаоллар сафарбар этилмоқда.

– Ҳар куни тарғибот-ташвиқот ишлари ҳақидаги маълумотлар умумлаштириб борилмоқда, – дейди “Адолат” СДП Вилоят кенгаши раиси Исроилжон Жўраев. – Фуқаролар бил-

дирган фикрларни, берилган саволларни алоҳида ҳисоба оламиз. Келувчи кунларда тарғибот ишларини йўлга қўйишга ҳаракат қиламиз. Бу, ҳеч шубҳасиз, фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тарғибот-ташвиқотда барча маҳаллий кенгашлар жонбозлик кўрсатмоқда. Жумладан, “Адолат” СДП Чуст туман фаоллари 67-умумтаълим мактаби биносидида педагогик жамоа ва аҳоли вакиллари билан учрашди. “Референдум қандай тартибда ўтказилади?” мавзусидаги давра суҳбати жараёнида Асосий Қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ҳақида фикр юритилди. Тадбир савол-жавоблар билан якунланди.

“Адолат” СДП Янгиқўрғон туман кенгаши раиси Раҳимжон Тошматов эса “Юмалоқтепа” маҳалла фуқаролар йиғинида очик мулоқот ўтказди. “Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи халқдир” деб номланган тадбирда юзга яқин киши қатнашди.

Янгиланаётган Асосий Қонунга бағишланган учрашув Норин туман тиббиёт бирлашмасида ҳам бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари туман кенгашидаги “Адолат” СДП гуруҳи аъзоси Турғуной Тўйчиева маъруза қилди. Учрашувда аҳоли саломатлигини сақлаш, тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Вилоятда бу каби тадбирлар давом этмоқда.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мақсуд Қурбонбоев хонхалик сайловчилари ҳузурда бўлиб, конституцион ислохотлар ва уларнинг инсон ҳаёти, мамлакатимиз тараққиётидаги ўрни ҳусусида атрофлича тушунчалар берди.

Замира АБДУЛЛАЕВА,
Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

Учрашувда таъкидланганидек, Янгиланаётган Конституция ҳаётий зарурат бўлиб, ўз навбатида мамлакат, миллат ва халқ сифатида кейинги қадамларимизни аниқлаб олишимиз учун гоёта аҳамиятли масала, адолатли жамият қуриш йўлидаги улкан қадамдир.

Сўнги олти йилда эришган ютуқларимиз, нақд пул, валюта, кредит масалаларидаги муаммолар ҳал қилингани, қўшниларимиз билан ораимиздаги 25 йиллик “музлар эригани” ва бошқа ижобий ҳаракатлар орта қайтмаслигининг конституциявий ҳимоясини таъминлаш зарур. Бу ютуқлар, ҳуқуқ ва эркинликлардан нафақат ҳозирги, балки келажак авлодларимиз ҳам эмин-эркин фойдаланиши учун уларни, албатта, Конституцияда муҳрлаб қўйиш талаб этилмоқда.

Шунингдек, учрашув давомида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар фуқароларнинг яшаш шароитини янада яхшилаш ва уларнинг турмушидан рози бўлиб яшашлари учун хизмат қилиши юзасидан атрофлича маълумотлар берилди.

Халқимиз 30 апрель кунини бўлиб ўтадиган референдумга ҳар томонлама тайёргарлик кўрмоқда. Давлатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига муҳим ўрни тутувчи янгиланаётган Конституцияимиз тарғиботи кенг кўламда ташкил этиляпти. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг халқ ичига кириб, Бахтимиз қомусининг ҳар бир моддаси мазмун-моҳиятини тушунтиришга элимизга маъқул келаятир.

Нодир ИСОМОВ,
депутат ёрдамчиси

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Абдуғани УМИРОВ Нишон ва Қарши тумани сайловчилари ўртасида Конституцияга киритиладиган ўзгаришлар ва нормалар ҳақида тушунтириш ишларини олиб борди. Нишон туманидаги 12-сонли мусиқа мактабида бўлиб ўтган учрашувда депутат Конституцияда ижтимоий давлатга ҳош ёндашувлар мавжудлигини, таълим соҳасига оид кўплаб модда ва нормалар ҳам ўз ифодасини топаётганлигини қайд этди.

Шунингдек, депутат Нишон тумани “Жалажин” МФЙ ҳудудидаги 9-мактаб, “Улғубек” МФЙ ҳудудидаги 7-сонли ИДУМ, Қарши тумани “Нуқробод” МФЙ ҳудудидаги 8-умумтаълим мактаби тадбиргоҳида ҳам педагоглар, маҳалла фаоллари ва солиқ инспекцияси ходимлари, туман газ таъминоти қорхонаси ишчи-муҳандис ва кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашиб, таълим олиш ҳуқуқи ва имконияти кенгайтирилаётгани, ўқувчилар конституциявий мақомга эга бўлаётганини тўпланганларга муфассал тушунтирди.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилшод ҲАМЗАЕВ Ғузур туманидаги 1-, 16-, 50-, 38-, 75-, 22-мактабларда ва санаот йўналишидаги техникумда янгиланаётган Конституцияимизга киритилаётган ўзгаришлар ва қўшимчалар ҳусусида тушунтиришлар берди. Учрашувда депутат истиқболимиз эгалари ҳуқуқлари ҳимояланиши ва уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирокини рағбатлантириш кафолатланаётгани ҳусусида сўз юритди. Бундан ташқари, ёшларнинг таълим олиши, баркамол ўсиб улғайиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш – давлатнинг конституциявий мажбурияти эканлигини алоҳида таъкидлади.

ЎТГАН ЙИЛГИ ФАОЛИЯТ САРҲИСОБ ҚИЛИНИБ,



БУ ЙИЛГИ РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Тадбирда партия сиёсий кенгаши раиси Баҳром Абдуҳалимов маъруза қилиб, партиянинг ўтган йилги фаолияти хусусида тўхтади. Таъкидланганидек, «Адолат» СДП тизимида ўтган 2022 йилда аъзолар сафини кўпайтириш, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, кадрлар заҳирасини мустаҳкамлаш, партия фаолларининг сиёсий билимлари ва фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида ҳисобот даврида партия аъзолари сони 46 минг 343 нафарга кўпайиб, умумий аъзолар сони 563 минг 549 нафарни, бошланғич партия ташкилотлари сони эса 6 минг 866 тани ташкил қилди.

Халқ билан бевосита мулоқот ўрнатилиш мақсадида партиянинг «Муаммо билан юзма-юз» лойиҳаси доирасида барча даражадаги депутатлик корпуслари иштирокида

мавжуд муаммоларни баргараф этиш чоралари кўрилди. Шунингдек, ишчи гуруҳлар томонидан 4 минг 710 та маҳаллаларда аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар ташкил қилинди.

Партия ташкилотлари аҳолидан келиб тушган 11 минг 200 та мурожаат юзасидан тегишли мутасаддиларга 4 мингдан ортиқ депутатлик сўровлари юборилди. Мурожаатларнинг 3,5 мингдан ортиғи ўз ижобий ечимини топди. 7 минг 123 дан ортиқ мурожаатлар эса ҳуқуқий маслаҳат бериш орқали ҳал этилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида «Адолат» СДП депутатлик гуруҳлари томонидан Қорақўлпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари доимий комиссияларига 1 минг 365 та, сессияларга эса 723 та масала киритилди.

Ҳисобот даврида партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан

ҳолда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, бу борада «Бир адолатчи – юз аёлга ҳимоячи» лойиҳаси доирасида хотин-қизларни турли таъйиқ ва зўравонликлардан ҳимоялаш мақсадида 1 минг 698 марта учрашув ташкил этилиб, 51 мингга яқин хотин-қизлар билан суҳбатлашилди. Суҳбатлар давомида хотин-қизларга «Ҳимоя ордери»ни бериш тартиблари тушунтирилди ва 229 нафар аёлларга ордер олиб берилди.

Пленумда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг 2022 йилдаги ютуқ ва камчиликлари атрофида таҳлил қилиниб, жорий йилда амалга оширилиши режалаштирилган устувор йўналишлар бўйича фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Шунингдек, пленумда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Рес-

публикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдуми ҳамда янгиланаётган Конституциямиз моҳиятига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Таъкидланганидек, янги тартибдаги Конституция юртимиз тарқиқети ва халқимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, унда устувор йўналиш сифатида белгиланган «Инсон қадрини устувор қилиш ва инсон қадрини устувор қилиш» тамойили инсон қадрини устувор қилиш билан эътиборга молик.

Жорий йилнинг 30 апрель санасида бўлиб ўтган референдум ҳамда янгиланаётган Конституциямиз мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, фуқароларнинг маъруза муҳим сиёсий жараёндаги иштироки бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Партия фаолларининг бу борадаги вазифалари белгилаб олинди.

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА НАҒАҚАЛАР МИҚДОРИ ОШАДИ

«Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.

- ✓ **Фармонга кўра:**
- ✓ 2023 йил 1 апрелдан пенсиялар ва нафақалар миқдори 7 фоизга оширилади.
- 2023 йил 1 апрелдан Ўзбекистон ҳудудида:
- ✓ пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – ойига 347 000 сўм;
- ✓ ёшга доир энг кам пенсия миқдори – ойига 677 000 сўм;
- ✓ ногиронлик пенсиялари, жумладан, иш стажини тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори – ойига 747 000 сўм;
- ✓ меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ва болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори – ойига 747 000 сўм;
- ✓ 1941-1945 йиллардаги уруш оқибатида ногирон бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инобатга олган ҳолда – ойига 3 296 000 сўм;
- ✓ белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан (677 000 сўмдан) 747 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир пенсиялари миқдори – ойига 747 000 сўм;
- ✓ зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа миқдори – ойига 535 000 сўм;
- ✓ иш стажини тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори кўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда – ойига 535 000 сўм;
- ✓ ўзгалар парварошига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвароши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига бериладиган нафақа миқдори – ойига 535 000 сўм;
- ✓ боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори – ойига 535 000 сўм этиб белгиланади ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўланади.
- ✓ боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори – ойига 535 000 сўм этиб белгиланади ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўланади.

Шунингдек, 2023 йил 1 майдан бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори 7 фоизга оширилади.

2023 йил 1 майдан:

- ✓ меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – ойига 980 000 сўм;
- ✓ базавий ҳисоблаш миқдори – ойига 330 000 сўм этиб белгиланади.

Сўз – Пленум қатнашчиларига

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ, «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси:

– Янги таҳрирдаги Конституция Янги Ўзбекистонни қуриш гоёси атрофида мамлакатимиздаги барча аҳоли ва жамиятимизни жипс-лаштирилмоқда. Янги Конституцияни шакллантиришда мамлакатимиздаги кенг жамоатчилик вакиллари, зиёлиларимиз, илмий доиралар вакиллари, ёшлар, барча халқимиз ва шу жумладан, сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этишди. Биз «Адолат» социал-демократик партияси вакилларининг ушбу жараёнда иштирок этганларидан ва Янгиланаётган Конституцияга уч мингга яқин таклифларни берганликларидан ниҳоятда мамнунмиз.

Албатта, биз яхши биламизки, «Адолат» СДП мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга, адолатни қарор топтиришга, шу билан бир қаторда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга ҳизмат қилиш учун доимо курашиш келган. Мана шу нуктага назардан олиб қараганда, Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат деб эълон қилиниши, социал-демократик ғояларни мужассамлаштирган бу гоё барчамизни, хусусан, партия электоратини ҳам жуда қувонтиради.

Зеро, ҳуқуқий давлат тушунчаси «Адолат» СДПнинг бош мезонларидан бири ҳисобланади. Янги таҳрирдаги Конституцияда «Инсон қадрини», унинг ҳуқуқ ва эркинликларини Олий қадрият сифатида белгиланмоқда. Инсон қадрини ва ҳуқуқига оид бўлган нормаларнинг сони амалдаги Конституцияга қараганда 3 баробар ортмоқда. Бу, албатта, партиямиз томонидан илгари сурилган ғоялар билан ҳаммаҳамдир.

Кўшимча қилиб айтиш мумкинки, Янги таҳрирдаги Конституцияда суд-ҳуқуқ тизимига боғлиқ бўлган масалаларга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Янгиланаётган Конституцияда адвокатура тизимига оид алоҳида боб киритилиб, бу билан адвокатурани прокуратура тизими билан бир хил мақомга тенглаштирилмоқда. Шунингдек, давлат томонидан бепул юридик ёрдам бериш масалалари ҳам қафолатланмоқда.

Шу билан бирга, Янги Конституцияга Хабеас корпус институти ва Миранда қодаларига оид бир қатор нормалар киритилмоқда. Ундан ташқари, шахсни ўзига қарши кўрсатма бермаслик ва сукут сақлаш ҳуқуқлари қафолатланмоқда.

Муҳаббат ШАРОПОВА, «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Қажармони:

– Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 52-моддасида ўқитувчининг мақоми, унинг шаъни, қадрини давлат муҳофазасига олинганлигини кўриб, очиги, жуда қувондим, бу жудаям аҳамиятли ҳодиса бўлди.

Ўқитувчиларнинг обрўсини ошириш, қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлигини таъминлаш каби вазифаларнинг Конституцияда белгилаб қўйилиши болаларимизнинг сифатли ва замонавий таълим олишига, келажакда фаровон яшашига ҳизмат қилади. Сир эмаски, ўқитувчиларнинг аксарияти – бюджетдан маош оладиган инсонлардир. Уларни маҳаллий амалдорлар яна текин хизматкорга айлантириб қўймаслиги учун ҳам ушбу норма жуда муҳим. Конституция орқали уларнинг мақоми оширилиши ўқитувчиларга бўлган эътиромни ва ушбу касбнинг қанчалик қадрли эканини кўрсатади.

Ислоҳ ҲАМРОЕВ, «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси:

– Янги таҳрирдаги Конституцияда ОАВ фаолиятига тўсқинлик ёки аралаштириш жиддий қавоғарликка сабаб бўлиши Бош қомус даражасида белгиланмоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда олиб борилаётган очиқлик сиёсатини қатъий давом эттиришга қаратилган нормаларнинг мустаҳкамланаётганлиги, демократик тамойилларнинг қарор топаётганлиги далолатидир.

Айтиш жоизки, амалдаги Конституциямиз ва қонунчилигимизда ҳам ОАВнинг эркинлиги, цензурага йўл қўйилмаслиги каби бир қатор нормалар мавжуд. Аммо эндиликда тақдир этилаётган нормага кўра, оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралаштириш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб қўйилган соҳа вакиллари эркинлигини янги босқичга олиб чиқади. Қолаверса, соҳа ривожига, ахборот сифати ошишига, мамлакатимизда сўз ва ахборот эркинлиги янада юксалишига, жамиятда очиқлик ва ошқоралик муҳитини мустаҳкамлашга ҳизмат қилади.

Муносабат

Зўравонликка нисбатан ЖАЗО ЧОРАЛАРИ ОФИРЛАШТИРИЛМОҚДА

Тегажоқлик, номусни топташ ва жинсий зўравонлик! Сўнгги йилларда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда тез-тез кўзга ташланаётган бундай ғайриинсоний ҳаракатлар нафақат Ўзбекистонда, балки бутун жаҳонда тобора кескин тус олиб бормоқда. Бундай ҳолатлар, айниқса, вояга етмаган ҳамда имконияти чекланган инсонларга нисбатан амалга оширилиши дилини хира қилади, албатта. Зеро, ҳуқуқни топталган инсонларнинг сизнинг онангиз, опангиз ёки ўйинқароқ жажжи синглингиз бўлиши ҳам мумкин.

Гулбаҳор САЙДҒАНИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Европа Кенгаши томонидан ўтказилган тадқиқотлар якунларига кўра, бугунги кунда 45 фоиздан 85 фоизгача аёллар ўз иш жойларида жинсий зўравонликка учрайдилар ва уларнинг атиги 5-22 фоизигина бу ҳақда шикоят қилишади. Албатта, ушбу масаланинг кескинлиги давлатлардан давлатларга қараб, хусусан, уларнинг маданияти, аёлларнинг эмансипация даражаси, жамиятда аёлларга нисбатан му-

носабат ва уларнинг ҳуқуқларини қонун йўли билан ҳимояланишига қараб фарқланиши мумкин.

Юртимизда амалга оширилаётган кучли демократик ислохотлар доирасида жамиятимизда аёлларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштироки кескин ошмоқда. Шунинг билан бирга, жамиятимизда аёллар ва болаларга нисбатан турли хил зўравонлик ҳаракатлари кузатишмоқда. Шундай шароитда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишда, энг аввало, унинг қонуний асосларини тақомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Жорий йилнинг 23 март куни бўлиб ўтган Халқ уйи

вакилларининг навбатдаги йиғилишида ана шундай иллатларга қарши муқаррар жазо чораларини кучайтиришга қаратилган қонун қабул қилинди ва Олий Мажлис Сенатига юборилди.

Мазкур қонун билан аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш, зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усулда қондириш каби ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур қонун билан Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар янги моддалар билан бойитилмоқда. Унга кўра, шахвоний шилқимлик қилганлик, шахс ҳаётининг сир туттиладиган томонларини акс эттирувчи, шаъни ва номусини камситувчи маълумотларни ошқор қилганлик, шунингдек, оилавий (маиший) зўравонликлар учун жазо чоралари белгиланмоқда.

Яъни, шахснинг ўз хотини (эри), собиқ хотини (собиқ эрини) дўпсласганлиги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима тўлашига ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олинишига олиб келади.

Оилавий зўравонлик маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилса, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир юз олтинчи соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишларига жалб қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгиланмоқда.

Ушбу қонуннинг кучга кириши оилаларнинг асосий бўгини бўлиши оилаларда маиший зўравонликларни камайтириш, мамлакатимиздаги хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни янада кучайтиришга имкон беради.

Педагоглар фаолиятига ноқонуний аралашган мансабдор шахслар маъмурий қамоққа олиниши мумкин

Педагог ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Президент томонидан имзоланган қонунга (ЎРҚ–826, 27.03.2023 й.) асосан Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Жиноят кодексига киритилган қўшимчага кўра: Меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш таълим ташкилотини педагог ходимига нисбатан худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилса, қуйидаги жазо чораларидан бири қўлланилишига сабаб бўлади:

- БҲМнинг 150 бараваридан 200 бараваригача (45 млн сўмдан 60 млн сўмгача) миқдорда жарима;
- 3 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари.

Илгари бундай норма мавжуд эмас эди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра, меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш БҲМнинг 50 бараваридан 100 бараваригача (15 млн сўмдан 30 млн сўмгача) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Эндиликда мазкур Кодексга киритилган ўзгартиш ва қўшимчага кўра, худди шундай ҳуқуқбузарлик таълим ташкилотини педагог ходимига нисбатан содир этилса, БҲМнинг 100 бараваридан 150 бараваригача (30 млн сўмдан 45 млн сўмгача) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Илгари бундай норма мавжуд эмас эди. Шунингдек, педагог ходимнинг касбий фаолиятига таълим олувчиларнинг билимини тўғри ва холис баҳолашига таъсир кўрсатиши билан ифодаланган тарзда қонунга хилоф равишда аралаштириш ёки унинг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш:

фуқароларга БҲМнинг 7 бараваридан 10 бараваригача (илгари 5 баравардан 7 бараваригача), мансабдор шахсларга эса 10 бараваридан 10 бараваригача (илгари 7 баравардан 10 бараваригача) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бундан ташқари, худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин 1 йил давомида такрор содир этилса: фуқароларга БҲМнинг 10 бараваридан 15 бараваригача (илгари 7 баравардан 10 бараваригача), мансабдор шахсларга эса 15 бараваридан 20 бараваригача (илгари 10 баравардан 15 бараваригача) миқдорда жарима солишга ёки 15 суткагача маъмурий қамоққа олишга (илгари ушбу жазо чораси қўлланилмаган) сабаб бўлади.

ИСЛОҲОТЛАР —

Тараққиётни ҳаракатлантирувчи куч

Халқ манфаати йўлида ислохотлар ўтказиш ҳеч қачон осон кечган эмас. Беш бармоқ баробар бўлмаганидек, олдимишга қўйилган ислохотларни ҳаммага бирдек ёқтириб бўлмайди. Аммо Президентимизнинг сиёсий продаси билан бошланган ўзгаришлар шабадаси халқимизга чинакам эрк берди, унинг кадрини юксакка қўтарди. Шунга яраша халқимизнинг дунёкараши ҳам ўзгарди.

Ташпўлат МАТИБАЕВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати,
социология фанлари доктори, профессор

Ҳар қандай ислохот ё давлат тизимини ўзгартириш йўлидан ёки халқ ҳаётини янгилаш ё иқтисодийётга қаратилганлиги билан кечилишига қўй бора гувоҳ бўлганмиш, лекин Ўзбекистонда 2016 йилдан бошланган ислохотлар бутунлай бошқача қиёфа касб этди. Ислохотлар марказида инсон турганлиги, қолган барча янгилашнилар мана шу инсоннинг атрофида кечганлиги бутун дунё учун янгилик бўлди, деб айтишга тўла асослар бор. Шунинг учун ҳам ислохотлар негизда намоён бўлган инсон нафақат ҳаёти ўзгаришини, балки бутун таваққури янгилашини, ўз ҳуқуқларини конституция таъминлашини истиаби табиий.

Биз шундай даврларни бошдан кечирдикки, инсон қадри бутунлай топтади. Инсоннинг ҳаёти, тақдирини кимларнингдир хоҳиш-истаги билан бошқарилади. Дахлсиз ҳуқуқлар ҳақида гапирлар, ёзилар, лекин амал қилинмас эди. Конституцияни, унинг асосида қабул қилинган қонунларни исталганча талқин қилиш мумкин эди...

Давлат кудрати унинг табиий бойликлари, ҳарбий кучи, иқтисодий имкониятлари билан ўлчанадиган замонлар аллақачон ўтиб кетган. Бугун халқнинг, энг аввало, турмуш даражаси, ҳуқуқлари, интеллекти, дунёкараши, таваққур оламига қараб баҳо бериш ҳақида айланди. Инсон таваққури, инсоннинг ҳаётдан розилик даражаси, унинг ҳақ-ҳуқуқларининг сўзсиз таъминланishi бу ҳар қандай давлат кудратидан муҳимроқдир. Бугун Ўзбекистон тутган йўл инсонни қадрлашга, инсонни яхши қўришга, инсонни рози қилишга, қаратилганлиги билан ҳам бутун дунёни ҳайратга солмоқда.

Шунинг учун бугун Ўзбекистоннинг янгилаётган конституциясига «Инсон – жамият – давлат» тамойили киритилаётганлиги бежиз эмас. Инсон таваққурининг маҳсули инсондан олдин ёки юқори туриши мантиққа зид. Биз янгилаётган конституцияда инсонни жамият ва давлатдан устун қўямиз.

Бир сўз билан айтганда, биз ижтимоий давлат қуриш йўлидан бораёلمиз. Конституцияда ҳам бу масала муҳрланапти. Ижтимоий давлатда ҳар бир инсон учун муносиб яшаш шариоатлари кафолатланади. Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди. Бир инсон муаммоси бутун жамиятнинг муаммоси, деб қаралади. Инсонлар ўз ташвиш ва қийинчиликлари билан ёлғиз қолдирилмайди.

Конституциявий ислохот бугунги ва истикболдаги муваффақиятли ва барқарор тараққиётнинг зарурий ҳуқуқий шарт ва асосидир. Хусусан, у «самарали ва яхши бошқарув» тизимини жорий этишнинг муҳим воситаси сифатида ҳокимият тармоқлари ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизимини мустаҳкамлаш, ҳисобдорлик, очиқлик, ошқоралик ва шаффоқлини оширишга ёрдам берувчи конституциявий қондаларни ўрнатади. Бошқарув сифати ва самардорлигини оширишга қаратилган ушбу ўзга-

ришлар сиёсий тизим барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодийётни ривожлантиришга фойда келтириб, натижада сармоя киритиш ва тараққиётни таъминлаш учун қулай ва барқарор муҳит яратди. Бунга, энг аввало, «Янги Ўзбекистон – халқчил ва инсонпарвар давлат» гоёси ва «инсон – жамият – давлат» тамойили ҳаётга фаол татбиқ этиш, Президент, парламент ва ҳуқуқат ўртасида ваколатларни аниқ тақсимлаш, ҳокимиятлар бўлиниши тизимида ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни мустаҳкамлаш, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш, замонвий халққаро ҳамжамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиш орқали эришилади. Янгилаётган Конституция Янги Ўзбекистон раванқининг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашга қаратилган ва бу жаҳон таърибасига мос табиий жараёндир.

Конституциянинг янги лойиҳасида давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига доир нормалар уч баробар ошмоқда. Масалан, 2 миллион 200 минг эҳтиёжманд оила давлатдан моддий ёрдам олишини кафолатлайди. Бу жами оилаларнинг 25 фоизига тўғри келади, уларга ҳар йили 11 триллион сўм ажратилади. Айни пайтда ҳар бир фуқаронинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи ва уй-жой қурилиши давлат томонидан рағбатлантирилишининг Конституцияда мустаҳкамланаётгани олдинга қўйилган марраларга эришиш учун мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Ўтган даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий манзараси бутунлай ўзгарди. Эркинлик ва очиқлик, қонун устуворлиги, жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишига айланди. Одамларнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ошди. Шунинг баробарида Ўзбекистон Конституциясининг янги лойиҳасини тайёрлаш, мамлакат Конституциясини таҳрир қилиш масаласи ҳаёт заруратига айланди.



Ўз навбатида халқимиз ҳам Конституциявий ислохотлар тарафдори эканлиги амалда ўз исботини топди. Эътибор қилсак, Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича умумхалқ муҳокамаларида 223 мингга яқин таклиф келиб тушганлиги ва улар асосида лойиҳа такомиллаштирилиб, маромига етказилганлиги, хусусан, таклифларнинг ҳар тўртта-сидан биттаси лойиҳадан жой олганлиги фикримизга яққол мисол бўла олади.

Янгилаётган Конституция тараққиқ этган давлат – янги Ўзбекистонни қуриш гоёси атрофида бутун жамиятимизни жиқслаштириши, унда барча қатлам манфаатлари инobatга олингани, лойиҳани ишлаб чиқишда кенг жамоатчилик, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, экспертлик ва илмий доиралар вакиллари, эътилолар фаол қатнашганлиги, мухтасар айтганда, лойиҳа том маънода халқ Конституцияси бўлаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Муҳокамадан ўтган Конституция лойиҳасида иқтисодий ислохотлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлаш бош мезон бўлиши кераклигига, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини мустаҳкамлашга, оила институтини ривожлантириш, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлашга, «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ИЖТимоий ДАВЛАТ» тамойилини конституциявий қоида сифатида муҳрлашга, болалар меҳнатига йўл қўймаслик, ногиронлар, кексалар ҳуқуқларини ишончли химоя қилишга, боғча, мактаб, олий таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилайтики, бу ҳам давлатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган ислохотлар фақат ва фақат инсон манфаатларига ва унинг қадрини таъминлашга қаратилаётганлигини яққол исботлайди.

Фуқаролик жамияти институтлари, яъни сиёсий партиялар, ННТ ва бошқа институтларнинг ҳам мақоми юқори даражага чиқади. Бу жамиятнинг янада эркинлашуви гарови бўлади. «Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат» тамойилини конституциявий қоида сифатида муҳрлаш гоёси ҳам эътиборга молик.

Ижтимоий давлат деганда ижтимоий соҳага катта эътибор қаратиладиган, фуқароларнинг тенглиги, уларнинг турли табақаларга ажралишига йўл қўймайдиган, умум-

фаровонлик таъминланган жамият тушунилади. Бир қатор мамлакатларда давлатнинг ижтимоий мақоми Конституция даражасида мустаҳкамланган. Бизда мамлакатимизнинг ижтимоий давлат сифатидаги мақоми Асосий қонунда кўрсатилмаган эди. Аммо ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, эҳтиёжманд аҳолининг ижтимоий муҳофазасига қаратилган сиёсат ижтимоий давлатнинг туб замини яратилганидан далолат беради. Кейинги йилларда давлат бюджети маблағларининг эллиқ фоиздан ортиги ижтимоий соҳаларга йўналтирилаётганнинг ўзи ҳам бунини яққол исботлайди.

Фикримизча, бундан кейин ҳам ижтимоий соҳа, аниққас, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни барқарор иш ўринлари билан таъминлаш соҳасига эътибор янада кучайтирилади. Чунки сифатли таълимсиз, етук кадрларсиз буюк келажакни тасаввур этиб бўлмайди.

Янгилаётган Конституцияда камбағалликни қисқартириш, бандлиқни таъминлаш, ишсизликдан химоя қилиш бўйича давлат ўзига қатор янги мажбуриятлар олиши белгиланмоқда. Умуман, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига доир нормалар уч баробар ошмоқда. Масалан, 2 миллион 200 минг эҳтиёжманд оила давлатдан моддий ёрдам олишини кафолатлайди. Бу жами оилаларнинг 25 фоизига тўғри келади, уларга ҳар йили 11 триллион сўм ажратилади. Айни пайтда ҳар бир фуқаронинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи ва уй-жой қурилиши давлат томонидан рағбатлантирилишининг Конституцияда мустаҳкамланаётгани олдинга қўйилган марраларга эришиш учун мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Илк маротаба давлат зиммасига аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг ҳаёт сифатини ошириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратиш чораларини қўриш мажбурияти юкланмоқда. Давлат ўз зиммасига ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ишга жойлаштиришга, таълим олишга қўмақлаштириш мажбуриятини олаётганлиги ҳам ижтимоий давлат тамойилининг яққол ифодасидир.

Бир сўз билан айтганда, Конституцион ислохотлар турмушимизга ёруғлик олиб қирадиган нур бўлиб, ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумэтироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имконият десак, янгилимаган бўламиз. Биз унинг қадрига етишимиз, қонунларимизнинг устуни бўлган, ҳаётимизни бошқардиган Конституциявий ислохотларга ва 30 апрелга белгиланган умумхалқ референдумига бефарқ бўлмаслигимиз керак.

Мамлакатимиз катта давлатга айланаётганлиги, аҳолимиз сони мунтазам ўсиб бораётганлиги, 2040 йилга бориб 50 миллион нафарга етиши, уларнинг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этиши ҳақида гап бораётган айни дамда дунёни камраб олган глобал муаммолар, зиддиятли жараёнлар, иқтисодий қарама-қаршилиқлар, муқаррарки, Ўзбекистоннинг зарур чора-тадбирлар қўришини тақозо этмоқда. Шу нуқтан назардан, мамлакат иқтисодийётини барқарорлаштириш, самарали бошқарувни ташкил этиш, давлат хавфсизлигини таъминлаш, фуқаролар ижтимоий химоясини кафолатлашдек ўз ечимини кутиб турган вазифалар ўта долзарб бўлиб, уларни ҳал этиш устувор аҳамиятга эга. Янги Ўзбекистоннинг «ИНСОН – ЖАМИЯТ – ДАВЛАТ» тамойилига асосланган халқчил сиёсати айнан шунга йўналтирилганлиги билан бир қаторда, шубҳасиз, унга мос руҳдаги ҳуқуқий тизимни ҳам изчиллик билан такомиллаштиришни назарда тутди.

МУЛК ШАКЛЛАРИНИНГ АСОСЛАРИ

Рустам РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги
университети
профессори



Жорий йилнинг 30 апрель куни ўтказилиши белгиланган референдумга киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасида иқтисодийётнинг негизи бўлган мулк масаласига ўзига хос ва даврий ўзгаришларга мос ёндошувини қўриш мумкин. Хусусан, лойиҳанинг 65-моддасида амалдаги Конституциямиз 53-моддасининг нормаси мазмунан бойитилган таҳрирдаги, яъни фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодийётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, уларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан химоя қилиниши таъминлаши ҳақидаги қоида жой олган. Буни мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва янгилашнилар, шунингдек уларнинг ҳаётимизга жорий этиб борилаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ушбу матндаги қомусий қоида нафақат юртимиз иқтисодий равнақи йўлида мустаҳкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган ислохотларимиз ортага қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қиладиган ва яна бир қарра конституциявий асосларнинг ҳаётийлиги ҳамда фуқаролар фаровонлигига йўналтирилганлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси 65-моддасининг яна бир эътиборли жиҳати, давлат мулкнинг хилма-хил шакллари замирида бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобат учун шарт-шароит яратиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлаш орқали фуқаролар фаровонлигини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйилганлигидир.

Жамиятнинг иқтисодий негизи ундаги мавжуд мулкчилик муносабатларига асосланиши нуқтаи-назаридан мулк нафақат ҳуқуқий мазмунга, балки иқтисодий маънога ҳам эга. Мулк инсонларнинг эрки-иродасидан ташқарида вужудга келади. Кишилар меҳнати билан яратилган ёки табиат томонидан инсонларга берилган бойликлар ҳар доим мулк бўлиб келган. Мулк биринчидан, кишининг ашёга нисбатан эгаллик ҳис-туйғуси билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, ушбу ашё хусусида кишилар ўртасида вужудга келадиган муносабатдир. Демак, қисқа қилиб айтганда, мулк – ашё ва унга нисбатан эгаллик ҳисси билан боғлиқ муносабатлардан иборат. Ўз навбатида, мулк муносабатлар қонунлар билан тартибга солинади ва уларнинг таъсири остида мулк иқтисодий муносабатлар сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси 65-моддасида хилма-хил мулк шакллари мавжудлиги ва уларнинг химояланганлигини ифодалаш билан бирга қонунда белгиланган асослар ва тартибга мувофиқ вужудга келган мол-мулкнинг миқдорини чегараламайди. Таъкидлаш жоизки, ушбу норма ҳалол рақобат шариоатида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаган ҳолда қонуний тадбиркорлик ва меҳнат қилиш натижасида ортирилган мол-мулкнинг ҳажми, сони, миқдори чекланмаслигини назарда тутди.

Ўзбекистон Республикасида юридик маънодаги мулкнинг хусусий ва оммавий шакллари мавжуд бўлиб, бундай туркумланишида мулк субъекти мақоми ва мол-мулк режимининг узвий бирлиги асосий даража ҳисобланади. Бундан ташқари, лойиҳанинг 65-моддасида мулкнинг бошқа шакл ва қўришниларда, жумладан, жамоа мулки, аралаш мулк, бошқа давлатлар ҳамда халққаро ташкилотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки бўлиши ҳам мумкинлигини эътироф этади. Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай ҳолда ҳам давлат мулкнинг хилма-хил шакллари ривожлантириш учун уларнинг қонуний тенглигини таъминлайди ва химоясини кафолатлайди.

Шунингдек, Конституциявий қонун лойиҳасининг 66-моддасида мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасаруф этишда атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, бошқа шахсларнинг жамият ва давлатнинг ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларини бузмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган. Аниқроқ айтганда, мулк ҳуқуқининг мазмуни мулк соҳибининг ваколатлари доираси билан белгиланади. Шу маънода, мулкдор ўз мулкига бўлган ҳуқуқларини ихтиёрий равишда амалга оширади. Агар мулкдорга нисбатан зўрлик, тазийк қўрсатиладиган бўлса, қонун мулкдорнинг хоҳиш-иродаси эркин амалга оширилишини химоя қиладиган ва кафолатлайди.

Эътироф этиш лозимки, референдумга тақдим қилинган янги таҳрирдаги Конституция мазмун-моҳияти ва ўзининг ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Зеро, қабул қилинажак Конституция – яхлит тарзда жамланган ҳуқуқий нормалар ягона пойдевори сифатида, шунингдек, барча қоидаларининг алоҳида-алоҳида амалиётга тўғридан-тўғри татбиқ этилиши мумкинлиги нуқтаи назаридан ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга.

“Худонинг олдида гувоҳлик бераман!..”



Ибрат

Ҳиндистонлик мультимиллиардер РАТАН ТАТА бахт ҳақида шундай дейди:

– *Менинг қўлимда Ҳиндистон ва Африканинг 95 фоиз нефть захиралари тўпланган эди. Аммо мен барибир ўзим кутган бахтга ҳали эришмаганимни ҳис қилиб турардим.*

Бир куни дўстларимдан бири ногирон болаларга 200 та арава соғва қилишимни илтимос қилди. Унинг илтимосини ерда қолдирмасдан 200 та аравачани олиб бердим. Аммо дўстим мени ўша аравачаларни ногиронларга шахсан соғва қилишимни ҳам илтимос қилди. Дўстимнинг бу илтимосини ҳам ерда қолдирмасдан ногиронлар уйига бердим.

Аравачаларни топширарканман, болакайларнинг кўзларидagi чексиз қувонч ва бахтни кўрдим.

Кетишга чоғланаётганимда ногирон болалардан бири оёқларимдан кучиб олди. Болакай оёқларимни қўйиб юборгиси келмасди. Шунда болакайга эгилиб: “Ўғлим, яна нима истайсан?” дедим.

Шунда болакай дунёкарашимни бутунлай остин-устин қилиб юборган жавобни берди:

– *Мен юзингизни эслаб қолмоқчиман, Худонинг олдида борганимизда сизга раҳматимни айтиб, гувоҳлик бераман!..*

"Adolat" gazetasi shu yil 10 mart, 9-sonida эълон қилинган

"АЁЛЛАР ДАФТАРИ" ДАН АСОССИЗ ЧИҚАРИЛГАН БЕШ МИНГА ЯҚИН ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСЪУЛЛАР НЕГА УЛАРНИНГ ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ?"

сарлавҳали халқ депутатлари Фарғона туман Кенгаши депутати Назиржон Исақовнинг танқидий мақоласи юзасидан тахририят томонидан биз, депутатлар шаънига айтилган гаплар, қанчалик ҳақиқат бўлмасин, ярамазга туз сепгандек, жижиллатиб юборди.

Халқ манфаати устун бўлиши керак...

Мақолада айтилганидек, "Аёллар дафтари" рўйхатидан чиқариш масаласини олдиндан ўрганилмасдан сессия кун тартибига киритиш кўпчилик депутатларнинг кескин эътирозига сабаб бўлган. Лекин Кенгаш раиси ҳоким бўлиб, туманнинг обрўси ўртага қўйилганидан кейин қарши овоз бериш жуда қийин. Айниқса, давлат муассасаларида ишлайдиган раҳбар депутатлар ҳоким билан тўқнаш келиб қолишини ўйлайди ва кўпчилик овоз билан ҳокимнинг топшириғи тасдиқланади.

Ҳокимлар бир вақтнинг ўзида Кенгашга раис бўлиб турса, депутатлар ҳеч қачон ҳокимият тизимида жамоатчилик назоратини олиб бора олмайди.

Мисол учун, ишга тайинланадиган ҳоким ўринбосарлари, бўлим бошлиқларини тасдиқлаш ваколати Кенгаш сессиясига берилган, лекин мана, орадан уч йил муддат ўтган бўлсаям, ҳокимиятга нечта ўринбосар, бўлим

бошлиқлари келиб-кетди, уларнинг бирортаси сессия тасдиғига киритилмаган.

Сессия муҳокамасига ахборотини эшитиш киритилган бўлса-да, айрим мансабдорлар томонидан сессияга келмаслик ҳолатлари кузатилади. Кенгаш раисини кутиб, соатлаб мажлис бошланишини чўзиш каби сессиянинг нуфузини камситувчи тартибсизликлар баъзи депутатларимизнинг лоқайд бўлиб қолишларига сабаб бўлиб қолаётгани ҳам, минг афсуски, бор гап...

Тахририятнинг бизларга қарата айтган танқидий гапларидан нафақат биз, балки бошқа туман Кенгашлари депутатлари ҳам хулоса қиладилар, деган умиддамыз. Яна бир гап, газетадаги "Аёллар дафтари"дан асоссиз чиқарилиши мавзусидаги мақолани депутатимиз адолатсизликларга чидаймай, халқ манфаатини ўзининг манфатидан устун билиб, тахририят ва масъуллардан нажот истаб ёзган. Биз бу каби виждонли депутатларимизни танқид

остига олиб эмас, балки уларга қўлдан келганча елкадош бўлиб, адолатсизликларга қарши бирга туриб бера олсак, ана ўшанда барчаси ўз ўрнига тушади ва кўзланган мақсадга етамиз, деб ўйлаймиз. Биз маош олмасдан, ҳеч қандай манфаат кўрмасдан виждонига қўлқ тутган, олтинга тенг вақтини фақат халқ манфаати учун хизмат қилишга бахшида этаётган Назиржон Исақов каби депутатларимиздан ўр-нак олишимиз лозим.

Озода ДАДАЖОНОВА,
Файзулложон МИРЗАЕВ,
Ахроржон ЭРКАБОВЕВ,
Илхомжон АБДОЛИМОВ,
Элмурод КАРИМОВ,
Абдусамат АЛОБИДИНОВ,
Баҳодир АХМАДЖОНОВ,
Бехзод МАМАЖОНОВ,

халқ депутатлари Фарғона туман Кенгашидаги "Адолат" СДПнинг депутатлик гуруҳи аъзолари

Мурожаат ўрганиб чиқилди

Тошкент шаҳар ҳокими Маҳкамаси мурожаатлар билан ишлаш бўлимига "Adolat" gazetasi тахририятининг 2023 йил 28 февралдаги 5-сонли мурожаати келиб тушган бўлиб, унда газетада эълон қилинган мақолада жамоатчилик вакиллари атоқли адиб ва давлат арбоби Шароф Рашидовнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрида унинг уй-музейини ташкил этиш бўйича амалий ёрдам сўрагани билдирилган.

1992 йил 6 ноябрда атоқли давлат арбоби, адиб Шароф Рашидов туғилганлигининг 75 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Исмоил Қаримов кўрсатмасига биноан Шароф Рашидов уй-музейи Жиззах вилоятида ташкил этилган. 2017 йил 27 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарори имзоланган бўлиб, ушбу қарорга биноан музей замон талабларига жавоб берадиган тарзда қайта таъмирланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Шароф Рашидов уй-музейини Тошкент шаҳрида ташкил этиш масаласи юзасидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқлигини билдирамыз.

Тошкент шаҳар Маданий мерос бошқармаси бошлиғи **У.УМАРОВ**

Орамиздаги одамлар

САЛОМАТЛИГИМИЗ ИШОНЧЛИ ҚўЛЛАРДА

Тиббиёт қанчалар қизиқарли соҳа бўлса, шунчалар мураккаб ҳам. Бу соҳа кишига олий таълим даргоҳида олган билими билангина чекланиб қола olmayди. Муттасил ўқиб-ўрганишда, изланишда бўлган, тажриба орттириб борган, касбига доир янгиликларни амалга татбиқ этишга одатланган тиббиёт ходимигина яхши шифокор деган номга сазовор бўлади.

Малика ДАВРОНОВА

Наманган вилояти Фтизиатрия ва пульмонология марказининг буйрак-таносил бўлими мудири Искандар Маҳмудов ана шундай шифокорлар сирасига киради. Искандар ака фаолият олиб бораётган марказ жамоаси ўзи каби касбига меҳри балинд инсонлардан таркиб топган. Шу боис марказ вилоят аҳолисига сифатли тиббиёт хизмат кўрсатиб келмоқда. Шифокорнинг ўтган йилги йил давомида 1,5 миндан ортиқ беморларда мураккаб жарроҳлик амалиётларини муваффақиятли ўтказгани ҳам фикримиз далили бўла олади.

Искандар Маҳмудов юқори технологияларга асосланган ҳолда жарроҳлик амалиётларини олиб бормоқда, — дейди марказ директори И.Воситов. — Бу амалиётлар мураккаблиги билан бирга беморга кам шикаст етказилиши билан аҳамиятлидир. Утган уч йил давомида Искандар Маҳмудов томонидан юздан зиёд беморларда "Ленч-Греуэра бўйича уретеро цистонеоанастомос, Андерсен-Хайнци бўйича уретеро-пластика сийдик канали тотал структурасининг "букал" пластикаси"га доир жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли ўтказилди. Яқин-яқинларгача бундай операцияларни вилоятда ўтказилишини тасаввур этиб бўлмасди. Шу ўринда айтиб ўтишимиз жоизки, марказдаги шарт-шароит, мавжуд замонавий тиббиёт жиҳозлари беморларга аниқ таълим қўйиш ва кам шикаст етказилган хирургик даволаш ишларини талаб даражасида ўтказиш имконини бермоқда.

Дарҳақиқат, И.Маҳмудов фтизиатрия соҳасини такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган тиббиёт вакиллари билан бирга, у Республика ихтисослашган Фтизиатрия ва Пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази олимлари ҳамда бир қатор хорижий давлатлар тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Жумладан, Москва шаҳридаги Фтизиатрия илмий текшириш институти профессори, тиббиёт фанлари доктори, профессор О.Зубан билан ҳамкорликдаги ишлари юксак самара бермоқда.

Албатта, билим инсонни устозлик даражасига кўтарди. Шу маънода Искандар Маҳмудов юқори касбий маҳоратга эга фтизиолог сифатида вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси мутахассислари билан ҳам-



корликда ёш шифокорлар учун ўқув-семинарлари ўтказиб келмоқдаки, "Тиббиётнинг янги замонавий стандартларини амалиётга татбиқ этиш", "Касалликларни энг илгор усулларда даволаш" каби мавзулардаги бу ўқув-семинарлар иштирокчилар учун маҳорат дарси бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотларни ҳаётга кенг жорий этиш, беморларни даволаш ва касалликлар профилактикаси самарадорлигини оширишда илмий тавсиялар, илгор тажрибаларни амалга кенг татбиқ этиб келаётган қаҳрамонимизни муолажаларнинг ўз вақтида ва талаб даражасида бажарилиши, замонавий даво ва диагностика усуллардан самарали фойдаланилиши натижасида беморлар ўртасида ўлим кўрсаткичи йилдан-йилга камайиб бораётгани хурсанд қилади.

— Соҳа ҳали кўп илмий изланишлар олиб борилиши лозим бўлган йўналишдир, — дейди Искандар Маҳмудов. — Касалликларни самарали даволаш, олдини олиш, жарроҳлик амалиётларини такомиллаштириш учун замонавий тиббиёт имкониятларидан янада тўлақонли фойдаланишимиз керак. Биз жамоамиз билан олдимизга ана шундай мақсадни қўйганмиз. Бунинг учун билим ва тажрибамизни ошириш баробарида, нуфузли хорижий клиникалар билан ҳамкорликни янги bosқичга олиб чиқишга ҳаракат қилишимиз.

Шубҳасиз, вилоятимизнинг тиббиёт соҳасида Искандар Маҳмудовдек эл иззатидаги фидойи шифокорлари бор экан, саломатлигимиз ишончли қўлларда, дейиш мумкин.

Мафтункор баҳор

Муҳиддин ОМАД

Ҳайрат билан боқар қуёш оламга,
Гуллаган боғлардан ифор таралар.
Пайваста майсалар ҳар бир қадамда
Муборак тупроқдан куч-қувват олар.

Тароват улашар мафтункор баҳор,
Қалдиргоч таъмирлар ота уйини.
Хилват гўшаларда кезиб беозор,
Миттиқуш саралар гуллар бўйини.

Теракнинг учига чиққан чумоли,
Ғаллазорлар томон мамнун боқади.
Лолақизгалдоқнинг юпқа рўмоли
Ошиқлар қалбига ўтлар ёқади.

Лунжини шиширган луччак шафтоли
Боғбоннинг тушига кирар ҳозирдан.
Чўпоннинг олислаб кетган аёли
Сурув-сурув бўлиб қайтар адиран.

Бол йиғиш пайида жонлари ҳалак
Асалчи арилар қаср қуришар.
Оппоқ қўйлак кийган бир жуфт капалак
Тириклик гаитини бирга суришар.


Беқасам тўнини елкага илиб
Ёнбошаб ётади кунгайда қирлар.
Ариқнинг бўйига ўтириб олиб
Мажнунтол қушларнинг хонишин тинглар.



Ҳикмат

Ўз ҳаётингни сев

Мен ҳамisha ўзимни бахтиёр сезаман.
Биласанми нега?
Чунки мен ҳеч қачон, ҳеч кимдан, ҳеч нарса кутмайман.
Кутмиш бу — азоб,
Ҳаёт қисқа.
Шундай экан,
Ўз ҳаётингни сев,
ҳамиша кулиб боқ.
Гапиршидан олдин тингла,
Ёзишдан олдин ўйла,
Пулни сарфлашдан олдин ишлаб топ,



Уильям ШЕКСПИР, драматург

Аразлашдан олдин кечирини бил,
Оғритишдан олдин ҳис қил,
Нафратланишдан олдин сев,
Ўлишдан олдин яша!